



## Ислом Нури

... (text obscured by a watermark) ...

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Зайд розияллоҳу анху шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ёмғир сўрагани чикдилар. Шунда қиблага юзланиб дуо қилдилар, кийимларининг ҳолатини ўзгартирдилар (яъни, Аллоҳ уларнинг аҳволларини ўгартишини умид қилиб кийимларини чаппасига қилиб кийдилар,) сўнгра қироатини жаҳрий қилиб, икки ракъат намоз ўқидилар.

... (text obscured by a watermark) ...



## Ислом Нури

Аллоҳдан бошқа ибодатга ҳақли зот йўқдир. Аллоҳ хоҳлаган нарсасини қилади. Эй Аллоҳ, ўзингдан бошқа ибодатга ҳақли илоҳ йўқ ва Сен бошқалардан беҳожатсан, биз эса ҳожатманд, муҳтож бандаларингмиз. Бизларга ёмғир ёғдир ва ёғдирганинг ёмғирни бизларга маълум муддатгача қувват ва дармон қилгин», дедилар. Сўнгра қўлларини баланд кўтариб дуо қилиб турдилар, ҳатто қўлтиқларининг оқи кўринди. Кейин одамларга орқаларини қилиб

Имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Оиша розияллоҳу анҳо шундай дейди: Одамлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга қаҳатчиликдан шикоят қилишди. У зот намозгоҳга (Мадина ташқарисидаги ҳайит намози ўқиладиган ялангликка) минбар ўрнатишга буюрдилар, минбар ўрнатилди. Одамларни у ерга чиқишлари учун бир кунни белгиладилар. Оиша розияллоҳу анҳо айтади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кўёш эндигина чиқа бошлаган пайт чиқиб бордилар. Минбарга ўтирдилар, сўнг Аллоҳ таолога такбир ва ҳамду сано айтдилар, сўнгра: «Сизлар менга ёмғир ўз вақтида ёлмаганлигидан ва қурғоқчиликдан шикоят қилдингизлар. Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло сизларни ўзига дуо қилишга буюрган ва қилган дуоларингизни ижобат қилишни ваъда берган» дедилар. Сўнгра: «Ҳамду сано бутун оламлар ҳожаси, меҳрибон ва раҳмли, жазо (қиймат) кунининг эгаси – подшоҳи бўлмиш ёлғиз Аллоҳ учундир. Аллоҳдан бошқа ибодатга ҳақли зот йўқдир. Аллоҳ хоҳлаган нарсасини қилади. Эй Аллоҳ, ўзингдан бошқа ибодатга ҳақли илоҳ йўқ ва Сен бошқалардан беҳожатсан, биз эса ҳожатманд, муҳтож бандаларингмиз. Бизларга ёмғир ёғдир ва ёғдирганинг ёмғирни бизларга маълум муддатгача қувват ва дармон қилгин», дедилар. Сўнгра қўлларини баланд кўтариб дуо қилиб турдилар, ҳатто қўлтиқларининг оқи кўринди. Кейин одамларга орқаларини қилиб





## Ислом Нури

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам истиско намозига ҳокисор, тавозуъ ва тазарруъ қилган ҳолларида чиқдилар.

### **Шарҳ:**

Агар ёмғир ёғиши кечикса ёки ерда қурғоқчилик тарқалса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мусулмонлар хорланган, тавозуъ ва тазарруъ билан юриб ялангликка чиқиб, Аллоҳ таолодан ёмғир сўраб намоз ўқишлари лозимлигини таълим берганлар.

### **Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:**

1. Ёмғир сўраб, хутба билан икки ракъат намоз ўқиш суннат.
2. Намоздан кейин кийимнинг ҳолатини ўзгартириш ҳам суннат.
3. Намоздан аввал ёки кейин хутба қилиш жоиз.
4. Эҳтиёжини Аллоҳ таолога ҳокисорлик ва тазарруъ билан изҳор қилиш суннат.